N 14 (195) • 2009 йил 30 март

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### КРИЗИСГА ҚАРШИ ДАСТУР

**Президентнинг 2009 йил 17 мартдаги «Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПК-1073-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* **билан 2009 йилда қўшимча инфратузилма объектларини қуриш ва ишга туширишни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури маъқулланиб,** у ўз ичига Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари рўйхати ва инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирларини олади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга биноан ҳужжатга иловада кўрсатилган телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларини модернизациялаш ҳамда ривожлантириш лойиҳалари доирасида импорт қилинадиган ускуналар, дастурий аппарат воситалари ва материаллар 2010 йилнинг 1 январигача божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

### ҚИШЛОҚЛАР ШАҲАР ТУСИНИ ОЛМОҚДА

**2009 йил 13 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 68-сон қарори қабул қилинди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).*

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг қарорлари билан иловада кўрсатилган қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар посёлкалари тоифасига киритилди. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг зиммасига манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли пунктлари тоифаларининг ўзгартирилиши билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шаҳарсозлик талабларига риоя этилишини таъминлаш ва муҳандислик, транспорт ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни оқилона жойлаштириш масалаларини ҳал этиш бўйича тадбирларни икки ой муддатда белгилаш, шунингдек аҳоли пунктлари номларини қонун талабларига мувофиқлаштириш бўйича бир ой муддатда чора-тадбирлар кўриш юклатилган.

### ҚОҒОЗНИ АСРАНГ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 мартдаги «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 70-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* билан қайта ишлаш учун жойларда тўпланган иккиламчи хом ашё – қоғоз чиқиндиларини қабул қилиш пунктларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Тегишли органлар томонидан фойдаланилмаётган, турар жой бўлмаган бинолар қоғоз чиқиндиларини қабул қилиш пунктларини ташкил этиш учун «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбекқоғози» ОАЖга белгиланган тартибда бериладиган. Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш масалалари бўйича Республика комиссияси тузилди. Давлат органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига эса тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ қоғоз чиқиндиларини тўплаш ва топшириш юклатилди. Белгиланишича, қабул қилиш пунктлари қоғоз чиқиндиларини тайёрлаш ва топшириш бўйича ҳисоб-китобларни эркин нархларда, шу жумладан уларни жисмоний шахслардан қабул қилиб олишда – нақд пул билан ва юридик шахслардан қабул қилиб олишда – нақд пулсиз амалга оширадилар.

### КИЧИК КОРХОНАЛАР, САВДОГА МАРҲАМАТ!

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 мартдаги 74-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 майдаги «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 251-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Чунончи, товарларни товар-хом ашё биржалари орқали улгуржи сотиш шу жумладан кўргазма-ярмарка савдолари натижалари бўйича биржа битимларини тузиш орқали амалга оширилади. Аниқлаштирилишича, бундай натижалар биржаларнинг ихтисослаштирилган савдо майдончаларида улар томонидан тасдиқланадиган қоидаларга мувофиқ, товарлар олдиндан мажбурий кўздан кечирилиши ҳисобга олинган ҳолда ёки мижозлар – жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиладиган кўргазма-ярмарка савдоларининг электрон тизимига Интернет орқали тўғридан-тўғри кириш режимида олиниши мумкин. Белгиланишича, кўргазма-ярмарка савдолари электрон тизимига Интернет орқали тўғридан-тўғри кириш режимида ва савдо майдончаларида, шу жумладан ихтисослаштирилган қурилиш материаллари бозорлари ҳудудларида улгуржи савдо қилиш ҳуқуқи фақат товар-хом ашё биржалари аъзоларига, уларда савдони амалга ошириш ҳуқуқига тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда берилади.

Ишлаб чиқарувчиларга ва, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўргазма-ярмарка савдоларида виртуал равишда иштирок этиб маҳсулотларни сотиш, шунингдек битимлар бўйича электрон ҳисоб-китобларни электрон тўлов тизими орқали амалга ошириш имконияти тақдим этилди. Белгиланишича, «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» ОАЖнинг биржа битимларидан ундириладиган воситачилик йиғимлари чекланган миқдорларига декларация тўлдиришда, ОАЖнинг юқори ликвидли товарлар турларини сотиш бўйича хизматлари учун 0,075% миқдоридаги воситачилик йиғимлари ҳисобга олинади.

### МАЛАКА КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ТАРТИБИ

**Адлия вазирининг буйруғи** *(АВ томонидан 2009 йил 14 мартда 1920-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **билан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқланди, унда комиссия ваколатлари ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланган.** Комиссиянинг асосий вазифаларига Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларининг қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқиш ва уларнинг иш амалиётини умумлаштириш ҳамда таҳлил қилиш киради. Олий малака комиссияси Палата ва Адлия вазирлигининг қўшма қарори билан адвокатлар ҳамда Адлия вазирлиги ходимларидан тенг миқдорда тузилади. Комиссия масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилишда Адвокатлар палатаси ва Адлия вазирлиги, шунингдек бошқа шахслардан мустақилдир. Истисно ҳолатларда, мисол учун, тегишли малака комиссиясининг холислиги ва беғаразлигига асосли шубҳалар мавжуд бўлган ҳолларда у малака имтиҳонини қабул қилади. Ҳужжат билан комиссия фаолиятини ташкиллаштириш масалалари, апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби ва бошқа масалалар тартибга солинган.

**2009 йил 24 мартдан кучга кирди.**

* * *

**Адлия вазирининг буйруғи** *(АВ томонидан 2009 йил 14 мартда 1921-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **билан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Бундай комиссиялар адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахслардан малака имтиҳонини қабул қилиш, адвокат қасамёдини қабул қилиш ва адвокатлар томонидан қонун ҳужжатлари талаблари, шунингдек Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги тўғрисидаги интизомий иш юритишни кўриб чиқиш учун тузилади.

Комиссиянинг мажлислари заруратга қараб, лекин уч ойда камида бир марта ўтказилади. Малака имтиҳонини топшириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати белгиланган. Имтиҳон барча талабгорлар учун битта хонада, оғзаки ва ёзма шаклларда ўтказилиб, бегона шахсларнинг бўлишига йўл қўйилмайди. Қарорлар унинг мажлисида қатнашаётган малака комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан, очиқ овоз бериш орқали манфаатдор шахслар иштирокисиз қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади. Белгиланган тартибда лицензия олган талабгор уч ой ичида адвокат қасамёдини қабул қилиши шарт.

Интизомий иш юритишни қўзғатиш учун асослар белгиланган бўлиб, уларга, хусусан, адвокатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари киради.

**2009 йил 24 мартдан кучга кирди.**

### ҚҚСсиз ЭКСПОРТ

**Молия вазирининг буйруғи** *(АВ томонидан 2009 йил 18 мартда 1922-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисобрақамига тўплаш ва унинг ишлатилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.** Белгиланишича, пахта толасининг ички нархи: экспортга сотиш учун мўлжалланган – ҚҚСни ноль ставкасида ҳисобга олиб; республика корхоналарига сотишга мўлжалланган – ҚҚСни 20 фоиз ставкасида ҳисобга олиб аниқланади. Пахта толасининг ички ва сотилган нархлари ўртасидаги фарқни аниқлашда толанинг нархи ва ҳажми кондицион оғирликда ҳисобга олинади. Пахта толасининг ички ва сотилган нархлари ўртасидаги фарқ ҳар ойда «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари томонидан аниқланади. Ижобий фарқ суммаси солиқ солиш объекти ҳисобланмайди ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда пахта тозалаш корхоналарининг 2009 йил 1 январь ҳолатига мавжуд бўлган солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларини ҳамда Жамғарманинг кредитларини сўндиришга ишлатилади.

**2009 йил 28 мартдан кучга кирди.**

### БЕХАТАР ИШЛАШ УЧУН...

**Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи** *(АВ томонидан 2009 йил 18 мартда 1924-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **билан Авиация ишларига мансуб хизматлар рўйхати тасдиқланди.**

**2009 йил 28 мартдан кучга кирди.**

* * *

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи билан** *(АВ томонидан 2009 йил 18 мартда 1925-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **билан Пахта тозалаш ва каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари тасдиқланди.**

**2009 йил 28 мартдан кучга кирди.**

* * *

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи билан** *(АВ томонидан 2009 йил 18 мартда 1926-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **Нашриёт, матбаа ва китоб савдоси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари тасдиқланди.**

**2009 йил 28 мартдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 14 мартдан 20 мартгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 12-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг

1. **2009 йил 27 февралдаги 1-МС-сонли** буйруғига асосан Ҳусанбой Қосимовга 2007 йил 7 ноябрда берилган 04446-сонли аудитор малака сертификатининг амал қилиши 2009 йилнинг 27 февралидан.
2. **2009 йил 13 мартдаги 213-аф-сонли** буйруғига асосан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «SAVOD AQL» аудиторлик ташкилотига 2008 йил 16 майда берилган 00044-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 12 мартидан.
3. **2009 йил 13 мартдаги 212-аф-сонли** буйруғига асосан «Profauditinfo» масъулияти чекланган жамият шаклидаги аудиторлик ташкилотига 2008 йил 15 июлда берилган 00063-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 11 мартидан тугатилди.

***ЎзР молия вазири ўринбосари***
***М.МИРЗАЕВ.***

УШБУ СОНДА


| 1-бет | 2-бет | 3-4-бетлар | 5-8-бетлар |
|---|---|---|---|
| Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар | Баҳолаш масалаларига доир | Кадрлар бўлими | Янги қонун ҳужжатлари |


$1 = 1427,26 сўм €1 = 2006,01 £1 = 2193,98 сўм ¥10 = 148,01 сўм

INTER PRESS
INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
www.interpress.uz
ОБУНА-2009
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# КВАРТИРАМИЗНИ КИМ БАҲОЛАЙДИ?

***Ўз турар жойини хусусийлаштиришни хоҳловчи фуқаролар ярим йилдан бери шу саволни тез-тез ўртага ташлайдилар. Қониқарли жавобни эса топиш осон бўлмаяпти. Ўзбекистоннинг олис минтақалари тўғрисида сўзламаймиз. Ушбу мақолада фақат Тошкент шаҳри ва вилоятига таaллуқли масала хусусида фикр юритмоқчимиз. Аҳолига «Ташжилпроект» номи билан таниш бўлган институт – сўнгра «Toshuyjoyloyiha» ОАЖ пойтахтда анъанавий равишда уй-жойни хусусийлаштириш баҳосини бериб келган. Бироқ 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб у бу фаолиятини тўхтатди. Айни шу вақтдан бошлаб шаҳар ва вилоятда турар жойни хусусийлаштириш амалда тўхтаб қолди.***



Президентнинг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» қарори *(2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сон, бундан кейин – 843-сон қарор)* ушбу соҳадаги ишлар аҳволига холисона баҳо берди: «...республикада баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун зарур қонуний-ҳуқуқий база шакллантирилган, уни фаол ривожлантириш учун иқтисодий рағбатлантириш воситалари яратилган, лицензиялар бериш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилган.

Айни вақтда баҳоловчи ташкилотларнинг амалий фаолияти ўсиб бораётган замонавий талабларни қониқтирмаяпти. Баҳолаш ишлари бир қатор ҳолларда юзаки ва паст профессионал даражада ўтказилмоқда, хусусийлаштириладиган объектларнинг ҳақиқий қиймати ва кўрсатиладиган хизматларнинг сифати холисона баҳоланиши учун баҳоловчи ташкилотларнинг зарур даражадаги масъулияти таъминлаб берилмаяпти». Албатта, давлат объектини жуда арзон сотиб олиш мумкин бўлган даврлар аллақачон орқада қолган. Бироқ шундай бўлсада, баъзи бир баҳоловчилар касбий малакаси камлиги ёки бошқа сабабларга кўра баъзан баҳоланаётган мол-мулкнинг қийматини оширишган ёки камайтиришган.

Мустақил баҳолаш тизимини янада ривожлантириш, баҳолаш хизматларининг профессионал даражаси ва сифатини ошириш, баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этиш, бажарилаётган баҳолаш ишларининг натижалари ва холислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида айни 843-сон қарор қабул қилинган.

Бунга эришиш учун қарорда чора-тадбирларнинг бутун бир мажмуи назарда тутилган. Хусусан баҳоловчи ташкилотларни лицензиялаш ва барча баҳоловчиларни оширилган талабларга асосан аттестациядан ўтказиш, баҳоловчи бўлишни хоҳловчиларни ўқитишнинг кенг дастури эътиборга олинган. Бундан ташқари, баҳоловчи ташкилотларнинг устав фондини салмоқли кўпайтириш ҳам лозим. Масалан, кўчмас мулкни баҳоловчилар энг кам иш ҳақининг камида 2000 бараварига тенг бўлган устав капиталига – бугунги кунда қарийб 60 миллион сўмга – эга бўлишлари керак.

«Toshuyjoyloyiha» ОАЖ аввал-бошданоқ баҳоловчи ташкилот ҳисобланмаслиги туфайли ушбу мезонларга тўғри келмайди, шу боис ҳам квартираларнинг хусусийлаштириш баҳосини ўтказишга ҳақли эмас. **«Toshuyjoyloyiha» ОАЖ бошқарувининг раиси Абдурасул АБДУВОСИҚОВ** ўз ташкилотининг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилади.

ОАЖ биноларни қуриш ва реконструкция қилишни лойиҳалаштириш билан шуғулланади. Пухта ишлайдиган мутахассислар, лойиҳаларнинг юқори сифатлилиги, техник жиҳозлашнинг замонавий даражаси институтга ҳақли равишда обрў келтирди. Мамлакатда мулкни давлат ихтиёридан чиқариш жараёнлари бошланиши билан Тошкент шаҳар ҳокимининг 1992 йил 23 сентябрдаги фармойишига кўра институтга шартномавий асосда хусусийлаштирилаётган квартиралар қийматининг ҳисоб-китобини амалга ошириш топширилди. Ўша пайтда тегишли услубият ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ҳокимнинг қарорини бажариш учун институтда махсус гуруҳ ташкил этилди, у техник текширувдан сўнг хусусийлаштириш қийматининг ҳисоб-китобини бажарарди.

Ушбу фаолият билан шуғулланиш учун, ПҚ-843-сон қарор чиққанидан кейин институт Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисида низомга мувофиқ устав фонди 60 миллион сўм бўлган шуъба корхона очиши керак.

– *Сўз ҳатто бу нарса институтга иқтисодий жиҳатдан фойдасиз эканлигида ҳам эмас,* – дейди Абдурасул Абдувосиқов. – *Хусусийлаштирилаётган квартиралар қийматининг ҳисоб-китобида уларни техник текширувдан ўтказиш асосий жараёндир. Бизда ушбу фаолиятга доир амалдаги лицензия мавжуд. Қиймат ҳисоб-китобининг ўзи – бор-йўғи ярим саҳифа матндан иборат текширув якунидир. Шу сабабли ушбу соф арифметик ҳисоб-китоб билан шуғулланувчи гуруҳда биргина сертификатланган баҳоловчи бўлиб, у ҳам фақат хусусийлаштириладиган квартираларни баҳолаш бўйича тажрибага эга эди. Ғоятда оддий ва бир қолипдаги ишни бажариш учун, ПҚ-843-сон қарор талаб қилганидек янги намунадаги сертификатларга эга бўлган уч нафар баҳоловчини ўқитиш ёки ишга олиш оқилона бўлмас эди. Шуни ҳисобга олиш лозимки, квартирани хусусийлаштириш қийматининг ҳисоб-китоби ва уни аукционга қўйиш ёки гаровга бериш учун баҳолаш – тамомила турли нарсалар.*

Уй-жой фондини хусусийлаштиришнинг моҳияти кишиларга улар ишлаб топган квартираларни мақбул нархларда тақдим этишдан иборат. Квартиралар хусусийлаштириш қиймати ҳисоб-китобининг услубияти айни ижтимоий чегирмалар принципига асосланиб ишлаб чиқилган. Ҳисоб-китоб эса баҳолаш фаолиятига қараганда кўпроқ меъёрий фаолиятга тааллуқлидир.

Гап шундаки, баҳоловчи ташкилотлар бундай ҳисоб-китоб билан шуғуллана олмайдилар, чунки уларда ҳисоб-китоб услубияти мавжуд эмас, асосийси – квартираларни техник текширувдан ўтказувчи мутахассислар йўқ. Натижада квартиралар хусусийлаштириш қийматининг ҳисоб-китобида ўзига хос вақт танглиги юзага келади. «Toshuyjoyloyiha» ОАЖ ва унга турдош ташкилотлар минтақаларда аввалги шароитларда ҳисоб-китобни бажара олишлари учун қонун ҳужжатларига баъзи бир ўзгартишлар киритиш лозимлиги хусусида фикрлар айтилмоқда, чунки ушбу соҳадаги ярим йиллик танаффус ғоятда салбий оқибатларга олиб кела бошлади.

– *Тўқсонинчи йилларда Ангрендаги бир қатор шаҳар ҳосил қилувчи корхоналар жиддий иқтисодий қийинчиликларга дуч келишди,* – **деб ҳикоя қилади Ангрен ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлимининг бошлиғи в.б. Эмма БАЛИЕВА.** – *Шаҳар корхоналари ходимларга бир неча ойлаб иш ҳақи бермасди, кишилар барқарор иш ҳақи топиш илинжида ишдан бўшардилар. Кўплар шаҳардан кўчиб кета бошлади. Талаб йўқлиги боис пишиқ қурилган кўп қаватли уйлардаги квартираларини қаровсиз қолдириб кетишарди. Ҳозир шаҳар корхоналаридаги иқтисодий вазият яхши томонга ўзгарди. Ангренга республиканинг бошқа минтақаларидан мутахассислар кела бошлашди. Аҳолининг турар жойга эҳтиёжи ўсмоқда, эгасиз квартираларга талаб пайдо бўлди. Шаҳар ҳокимлиги уларни эҳтиёжмандларга беришга тайёр, бироқ хусусийлаштириш қийматининг ҳисоб-китобисиз буни қила олмайди. Бунда бозор баҳосини қўллаб бўлмайди. Зеро, ташлаб кетилган квартираларнинг кўпчилиги талаб кетилган – уларда ойна, дераза ромлари, эшиклар, сантехника жиҳозлари мавжуд эмас. Кишилар ушбу турар жойни ўзлари тартибга келтиришга тайёрлар, бироқ квартиралар уларнинг мулки бўлиб қолишини шарт қилиб қўймоқдалар. Ангрен ҳокимлиги ҳам уларни давлат тасарруфидан чиқаришни бошлашга рози, бироқ қандай қилиб хусусийлаштириш қийматининг ҳисоб-китобисиз уни амалга ошириб бўлади? Биз турли инстанцияларга бир неча марта ушбу муаммони ҳал этишда ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилдик, бироқ, афсуски, бунга жавобан ПҚ-843-сон қарорга кўра баҳолаш фаолияти у ёки бу ташкилотнинг ваколат доирасига кирмаслиги тўғрисида жавоб олдик. «Toshuyjoyloyiha» ОАЖдан ҳам ана шундай жавоб олдик. Ҳозир ҳеч ким бундай ҳисоб-китоб билан шуғулланмаслиги сабабли кишилар ҳам, шаҳримиз иқтисодиёти ҳам азият чекмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш учун қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни квартира хусусийлаштириш қийматининг ҳисоб-китоби баҳолаш фаолиятига кирмаслиги хусусидаги қоида билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўларди.*

Ўйлашимизча, қонунчиликка бундай тўлдириш киритилиши шаҳарда ҳам, вилоятда ҳам ушбу муаммони ҳал эта олади.

***Ирина ХАМ.***

## БАҲОЛОВЧИНИНГ ФИКРИ

**Марина ВАНИНА, «Osiyo Ekspert» мустақил баҳоловчи ташкилот директори, CIPA, Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти бошқарувининг аъзоси.**

– Фикримча, мазкур масалани ҳал этишда алоҳида муаммолар мавжуд эмас. Бир нарса шубҳасиз: хусусийлаштириш мақсадида квартира қийматини аниқлаш – баҳолаш фаолияти, **баҳолаш билан эса мутахассислар шуғулланиши керак.** «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг *(1999 йил 19 августдаги 811-1-сон)* 7-моддаси мазкур масалани тартибга солади. Унга кўра хусусийлаштириш мақсадида квартираларни баҳолаётганда баҳоловчи томонидан бозор баҳоси белгиланиши керак. Чунончи, шу йилнинг ўзидагина ходимларимиз хусусийлаштириш мақсадида Тошкент вилоятидаги 26 квартиранинг бозор баҳосини чиқардилар.

Ҳозирги вақтда Давлат мулки қўмитаси томонидан хусусийлаштириш мақсадида мол-мулкни баҳолашнинг миллий стандарти ишлаб чиқилмоқда, унинг амал қилиши хусусийлаштирилаётган мол-мулкни, шу жумладан квартираларни ҳам баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатишга татбиқ этилади. Бунда баҳоловчи хусусийлаштириш пайтида аниқлайдиган қийматнинг асосий тури бозор баҳосидир. Шундан сўнг унинг негизида, аниқ ҳолатга боғлиқ ҳолда, бошқа турлар, масалан, инвестицион, тугатиш қиймати ва ҳоказолар ҳисобланади.

Албатта, уй-жой фондини хусусийлаштириш – ижтимоий масала. Мен ҳам мақола муаллифининг аҳоли фаровонлиги ғоятда муҳим вазифадир деган фикрига қўшиламан, алалхусус корхоналаримиз меҳнат ресурсларидан манфаатдор бўлган паллада. Шу сабабли маҳаллий ҳокимият органлари уй-жой фондини хусусийлаштириш пайтида аҳолининг турли қатламларига бериладиган имтиёзлар тўғрисидаги низомни ишлаб чиқишлари керак. Шунда ҳаммаси ўз жойига келади. Хусусийлаштириш масалаларини мослашувчанлик билан ва ҳар бир муайян вазиятдан келиб чиқиб, хушёр назар ташлаган ҳолда тезкор ҳал қилиш мумкин.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 24 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 995,23 | 1 Малайзия ринггити | 391,67 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2193,98 | 1 Польша злотийси | 427,12 |
| 1 Дания кронаси | 262,03 | 1 СДР | 2156,73 |
| 1 БАА дирҳами | 388,61 | 1 Туркия лираси | 845,53 |
| 1 АҚШ доллари | 1427,26 | 1 Швейцария франки | 1270,37 |
| 1 Миср фунти | 254,64 | 1 ЕВРО | 2006,01 |
| 1 Исландия кронаси | 12,66 | 10 Жанубий Корея вони | 10,25 |
| 1 Канада доллари | 1157,93 | 10 Япония иенаси | 148,01 |
| 1 Хитой юани | 208,87 | 1 Россия рубли | 42,70 |
| | | 1 Украина гривнаси | 185,36 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 19.03.2009 | 1 | 0,8026 | 1 | 1,0797 | 1 | 0,0236 |
| Арманистон | 25.03.2009 | 1 | 368,79 | 1 | 497,11 | 1 | 10,96 |
| Беларусь | 26.03.2009 | 1 | 2811,00 | 1 | 3776,02 | 1 | 83,35 |
| Грузия | 26.03.2009 | 1 | 1,65 | 1 | 2,2188 | 1 | 4,8923 |
| Қозоғистон | 26.03.2009 | 1 | 151,38 | 1 | 203,71 | 1 | 4,50 |
| Қирғизистон | 21.03.2009 | 1 | 42,5297 | 1 | 58,2402 | 1 | 1,2725 |
| Латвия | 26.03.2009 | 1 | 0,521 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0156 |
| Литва | 26.03.2009 | 1 | 2,5671 | 1 | 3,4528 | 10 | 7,5996 |
| Молдова | 26.03.2009 | 1 | 10,9464 | 1 | 14,7808 | 1 | 0,3256 |
| Тожикистон | 21.03.2009 | 1 | 3,8139 | 1 | 4,9681 | 10 | 1,1549 |
| Ўзбекистон | 24.03.2009 | 1 | 1427,26 | 1 | 2006,01 | 1 | 42,70 |
| Украина | 26.03.2009 | 100 | 770,00 | 100 | 1039,038 | 10 | 2,2831 |
| Эстония | 25.03.2009 | 1 | 11,6081 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,344839 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

УШБУ СОНДА:

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1-бет
• МУАММОНИ КЎТАРАМИЗ
– Квартирамизни ким баҳолайди?
– Валюталар курси 2-бет
• КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Она болага нафақа олиши учун...
– Иш берувчининг хатолари 3-4-бетлар
ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:
– «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»;
– «Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:
– «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;
– «Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сон қарори)»;
– «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»;
– «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
– «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида».
Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:
– ЎзР ДБК, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси, МВ, МББнинг «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ, МВ, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Акциядорлик жамиятларида аффилланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори. 5-8-бетлар
• top 9-12-бетлар

# ОНА БОЛАГА НАФАҚА ОЛИШИ УЧУН...

**_Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилганлик учун нафақани кимлар олишга ҳақли эканлиги ва у қай тартибда олиниши ҳақида бир неча бор тушунтириш берганмиз. Шундай бўлса-да, таҳририятга ҳам нафақани олаётган (олишга даъвогар), ҳам уни тўлаётган шахслардан келаётган мурожаатларнинг салмоқли қисми ушбу мавзуга бағишланмоқда. Бугунги мақоламизда юристимиз ушбу масала бўйича берилаётган барча саволларга жавоб беришга ҳаракат қилди._**

Туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаётган шахсларга болани парваришлаш учун қонунга биноан ижтимоий таътил ва ҳар ойлик нафақа олиш ҳуқуқи берилган. 2003 йилдан бошлаб у энг кам иш ҳақининг 200 фоизини ташкил этади *(1113-сон Низомнинг[1] 2-банди ва 1112-сон Низомнинг[2] 4-банди).* Нафақа уни тайинлаш учун мурожаат қилинган пайтдан бошлаб, бола икки ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда тўланади:

| *Мақоми* | *Тайинлаш жойи* | *Нафақа қайси маблағлар ҳисобига тўланади, уни тўлаш жойи* | *Муҳтожлик мезони* | *Тўлаш муддати* |
|---|---|---|---|---|
| Ишлаётган оналар | Иш жойи бўйича *(1113-сон Низомнинг 5-банди)* | Тўлов ушбу корхоналарнинг (ташкилотларнинг) ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сарфланган маблағлар шу давр харажатларига киритилади ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган база ушбу суммага камайтирилади *(1113-сон Низомнинг 13-банди)* | Муҳтожлик мезонисиз тайинланади | Мурожаат қилинган ойдан бошлаб, бола икки ёшга тўлгунга қадар *(1113-сон Низомнинг 1, 3-бандлари)* |
| Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган, хизматни ўтаётган оналар | Мазкур тоифадаги шахсларнинг нафақа олиш тартиби қонунчиликда аниқ белгиланмаган. Чунончи, 1113-сон Низомнинг 5-бандига мувофиқ, муҳтожлик мезонисиз тайинланадиган нафақани улар ўқиш, хизмат жойидан олишлари керак. Бироқ уни тўлаш манбаи ва тартиби назарда тутилмаган. 1113-сон Низомга киритилган ўзгартишлар ва унинг олдинги таҳрирларининг маъносига кўра, кўрсатиб ўтилган шахсларга нафақа маҳаллий бюджет маблағларидан тўланади, бунинг учун муҳтожлик мезони белгиланиши лозим. Зиддиятларни бартараф этиш мақсадида низомларга тегишли ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. | | | |
| Ишламайдиган оналар:<br>- бюджет соҳасида ишлайдиган оналар;<br>- юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи оналар, шунингдек фаолиятни юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширадиган деҳқон хўжаликлари аъзолари;<br>- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус ва ўрта касб-ҳунар ўқув юртларида пулли-контракт асосида ўқийдиган оналар | Ариза берувчининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан *(1112-сон Низомнинг 2, 9-бандлари)* | Тўлов нафақа олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки муассасалари томонидан маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади *(1112-сон Низомнинг 21, 23-бандлари)* | Муҳтожлик мезонини ҳисобга олган ҳолда тайинланади. **Оила даромадларини ҳисобга олмаган ҳолда сўзсиз тартибда** қуйидагиларга тайинланади *(1112-сон Низомнинг 10-банди):*<br>а) тўлиқ бўлмаган оилада болани тарбиялаётган ота ва оналарга[3];<br>б) ногирон болани тарбиялаётган оналарга (ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга)[4] | Мурожаат қилинган пайтдан, лекин бола туғилган ойдан кейинги ойдан қолдирмай 12 ойга тайинланади, бироқ бола 2 ёшга тўлган ойдан ошиб кетмаслиги керак[5] *(1112-сон Низомнинг 6-банди)* |

**_Ишламайдиган оналарнинг нафақага муҳтожлиги мезони қандай белгиланади?_**

– Ишламайдиган оналарга (нафақа сўзсиз тартибда тайинланадиган шахслардан ташқари) болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш чоғида оиланинг муҳтожлигини белгилайдиган мезон бўлиб унинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақи (ЭКИҲ)нинг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади ҳисобланади. Оилаларнинг муҳтожлигини белгилаш чоғида қўлланадиган энг кам иш ҳақининг ўртача ойлик миқдори нафақа сўраб мурожаат қилинган ойдан олдинги 12 ой учун ҳисоб-китоб қилинади *(1112-сон Низомнинг 11-банди).*

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган оиланинг жами даромадини аниқлаш учун болани парвариш қилиш нафақасини олишга ариза билан мурожаат қилиш ойигача кейинги ўн икки ой давомида олинган даромадларнинг барча турлари қўшилади ва олинган сумма оила аъзолари сони ҳамда ўн икки ойга бўлинади. Қуйидагилар даромадлар таркибида ҳисобга олинади: солиқ солинадиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий тусдаги бошқа тўловлар (бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш учун нафақалардан ташқари), шунингдек шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинадиган даромадлар *(1112-сон Низомнинг 12-банди).*

***МИСОЛ.** Оила уч кишидан иборат: ота, она ва ўғил. Ишламайдиган она 2009 йилнинг февраль ойида бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақа тайинланиши учун мурожаат қилди. Ҳисоб-китоб чоғида боланинг отаси 2008 йилнинг февраль ойидан 2009 йилнинг январь ойига қадар (сўнгги 12 ой учун) олган даромади ҳисобга олинади. Қишлоқ хўжалиги корхонасида ишлаган ушбу давр мобайнида у март ойида 350 000 сўм ва декабрь ойида 430 000 сўм миқдорида бир марталик тўлов олган:*

*350 000 + 430 000 = 780 000 сўм.*

*Она олдин ишламаганлиги ва ҳозир ҳам ишламаётганлиги сабабли, тегишли равишда фақат отанинг даромадлари ҳисобга олинади, у фарзандни ҳам ҳисобга олиб оила аъзолари сонига бўлинади, чунки оиланинг жами даромади ҳисобланади:*

*780 000 / 3 /12 = 21 666 сўм.*

*Президентнинг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» фармонларига мувофиқ, кўрсатилган даврда энг кам иш ҳақи қуйидаги миқдорларда белгиланган:*

*2008 йилнинг февраль-март ойларидаги ЭКИҲ – 18 630 сўм[7];*

*2008 йилнинг 1 апрелидан август ойига қадар – 20 865 сўм[8];*

*2008 йилнинг 1 сентябридан 15 ноябрига қадар – 25 040 сўм[9];*

*2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб – 28 040 сўм[10].*

*12 ой учун ЭКИҲнинг ўртача ойлик миқдори:*

*[18 630 x 2 + 20 865 x 5 + ((20 865 + 25 040) / 2) + 25 040 + ((25 040 + 28 040)/2) + 28 040 x 2] / 12 = 22 683,1 сўмни ташкил этади.*

*ЭКИҲнинг 1,5 бараварига тенг бўлган муҳтожлик мезони 2009 йил февраль ойида 34 024,65 сўмдан иборат.*

*Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган жами даромади (21 666 сўм) муҳтожлик мезонидан ошмайди. Тегишинча, онага болани парваришлаш нафақаси тайинланиши керак.*

Агар даромадларни ҳисобга олиш учун қабул қилинган давр (нафақа олиш учун мурожаат қилинган ойдан аввалги 12 ой) давомида алоҳида ойлар учун иш ҳақи бўйича ҳисоблаб ёзишлар амалга оширилмаган бўлса, ушбу даврлар жами даромадни белгилаш чоғида ҳисоб-китобга киритилмайди. Узоқ вақт иш ҳақи сақланмаган мажбурий таътилларда (сурункасига 3 ойдан кўп) бўлган шахслар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимлари бундан мустасно. *Кўриб чиқилаётган мисолда ота қишлоқ хўжалиги корхонаси ходими ҳисобланади, шунинг учун унинг даромади 12 ойга бўлинади. Бироқ у иш мавсумий тусга эга бўлмаган корхонада ишлаганида, оиланинг жами даромади 12 ойга эмас, балки унга тўлов тўланган 2 ойга бўлинган бўлар эди. Мазкур ҳолда оила бир аъзосининг ўртача ойлик жами даромади 130 000 (260 000/2) сўмни ташкил этган бўларди, бу миқдор муҳтожлик мезони (34 024,65)дан ортиқ бўлиб, нафақа олиш имкониятини истисно этади.*

Нафақа тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш қарори фуқаролар йиғини ёхуд у махсус вакил қилган комиссия томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Унинг учун фуқаролар йиғини иштирокчиларининг (комиссия аъзоларининг) ярмидан кўпи овоз берган тақдирда у қабул қилинган деб ҳисобланади. Қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилиши керак.

Нафақа тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда ариза берувчининг фуқаролар йиғини ёки комиссия мажлисида иштирок этиши **мажбурийдир.** У узрли сабаб билан (касаллиги ва бошқа узрли сабаблар билан) фуқаролар йиғинида ёки махсус ваколатли комиссия мажлисида қатнашмаса, оиланинг бошқа вояга етган аъзоси қатнашиши шарт. Уларнинг иккиси ҳам бўлмаган тақдирда, мазкур оилага нафақа тайинлаш масаласи кўриб чиқилмайди ва кўриб чиқиш учун фуқароларнинг кейинги йиғинига ёки махсус ваколатли комиссиянинг мажлисига кўчирилади.

Нафақа она ёки унинг ўрнини босувчи шахс мурожаат қилган ойдан (нафақа тайинлаш тўғрисидаги қарор кечроқ қабул қилинган бўлса ҳам), лекин бола туғилган ойдан кейинги ойдан қолдирмай тўланади. Нафақа ўн икки ойга тайинланади, лекин бола икки ёшга тўлган ойдан ошиб кетмаслиги керак *(1112-сон Низомнинг 6-банди).*

**_Иш жойидан болани парваришлаш бўйича нафақа олувчи аёл ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзди. У болани парваришлаш бўйича нафақа олиш ҳуқуқидан маҳрум бўладими?_**

– Аёл нафақа олиш ҳуқуқини йўқотмайди, бироқ уни тўлаш тартиби ўзгаради. У ишламайдиганлар мақомига эга бўлганлиги учун, унга мазкур тоифадаги шахслар учун назарда тутилган – яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан нафақа тўлаш тартиби татбиқ этилади. Аёл бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш нафақасини тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги ариза билан кўрғон (қишлоқ, овул, маҳалла) фуқаролар йиғини раиси номига мурожаат қилиши керак. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

а) боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма нусха;

б) меҳнат дафтарчасидан кўчирма нусха – илгари ишлаганлар учун;

в) **ариза топширилган ойгача оила аъзоларининг охирги ўн икки ойдаги даромадлари тўғрисида маълумотнома;**

г) боланинг ногиронлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ВКК хулосаси кўчирма нусхаси (зарурат бўлганда);

д) никоҳнинг бекор қилингани тўғрисида гувоҳноманинг кўчирма нусхаси ёки тегишли суд қарорларидан кўчирмалар (зарурат бўлганда);

е) онаси бўлмаган болани амалда парвариш қиладиган шахслар онасининг йўқлигидан далолат берувчи ҳужжат – боланинг онаси вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома, онани оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тўғрисида суд органлари томонидан берилган маълумотнома ни ёки боланинг (болаларнинг) онаси болани парвариш қилиш нафақасини олмаслигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларни қўшимча равишда тақдим этадилар.

Нафақа тайинлаш учун зарур ҳужжатлар белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларда тақдим этилади.

Ариза ҳудудида мазкур шахс рўйхатдан ўтказилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилади *(1112-сон Низомнинг 9-банди).* Болани парваришлаш нафақаси болани ҳақиқатда парваришлайдиган шахсларга тайинланади[6].

Болани парваришлаш нафақаси муҳтожлик мезонидан келиб чиқиб тайинланади.

---

*[1]Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом (МАИМКВ ва МВнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 1113-сон Низом).*

*[2]Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (МАИМКВ, МВ, Республика «Маҳалла» жамғармаси ва Халқ банкининг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 1112-сон Низом).*

*[3]Бола тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланаётгани далили муайян ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан белгиланади.*

*[4]Бунда оиладаги қайси фарзанд ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ.*

*[5]Бундан кейин мазкур нафақани олишга муҳтожлик сезса, уни олаётган шахс болага икки ёш тўлишига қадар болани парвариш қилиш нафақасини танаффуссиз тўлаш масаласини ҳал этиш учун белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, тўловларнинг аввалги ўн икки ойлик муддати тугашидан бир ой олдин такроран мурожаат қилишга ҳақлидир (1112-сон Низомнинг 6-банди).*

*[6]Болани ҳақиқатда парваришлаш деганда уни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш, унга кўз-қулоқ бўлиб туриш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган болани бевосита парваришлаш тушунилади. Парвариш ҳақиқатда кўрсатилаётганлигини ва ушбу нафақани тайинлаш зарур ёки зарур эмаслигини аниқлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ички ҳиссиётга таянадилар, зеро қонунчиликда у аниқ белгиланмаган. Шу сабабли исботлаш юки ариза берувчининг зиммасида бўлади.*

*[7]2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сон.*

*[8]2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сон.*

*[9]2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сон.*

*[10]2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сон.*

4-бетда

# ОНА БОЛАГА НАФАҚА ОЛИШИ УЧУН...

**?** ***Болани парвариш қилиш нафақасини олувчи аёл иш жойини ўзгартиришга қарор қилди. Ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзгандан сўнг бошқа ташкилот дарҳол уни ишга қабул қилди. Нафақани ким тўлайди? Иккинчи ташкилот уни ишга қабул қилиб, бу ерда бир кун ҳам ишламаганлигига қарамай, шу заҳоти болани парваришлаш бўйича унга таътил бериш ва нафақа тўлашга ҳақлими?***

3-бетда

– Бошқа иш жойига жойлашган пайтдан бошлаб аёл яна ишловчи шахс мақомига эга бўлади. Ишлайдиган оналар ёки она ўрнини босувчи шахсларга болани парваришлаш нафақаси иш жойи бўйича тайинланади. Корхона маъмуриятининг қарори уни тайинлаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Бунда Меҳнат кодекси (МК)нинг 149-моддасига мувофиқ, болани парваришлаш таътили ижтимоий таътилларга киради. У ходимнинг хоҳишига кўра мажбурий тартибда берилиши керак. Ёш болали аёлни ишга қабул қилганда ва бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш таътилини бериш учун ундан ариза қабул қилганда, ходим мазкур корхонада бир кун ҳам ишламаганига қарамай, **иш берувчи унга таътил бериши ва** энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида **нафақа тўлаши шарт.**

* * *

**?** ***Штатда ҳисобда турувчи ва болани парваришлаш нафақасини олувчи аёл корхонада меҳнат фаолиятини болани парваришлаш нафақаси сақланган ҳолда давом эттириши мумкинми?***

– МК 234-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, аёл ўз хоҳишига кўра, болани парваришлаш таътили даврида **тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда** ишлаши мумкин. Бунда унинг нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***




***Мақола электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди.***

**NORMA ПЕНСИЯЛАР. НАФАҚАЛАР. ИМТИЁЗЛАР**

- Пенсиялар тайинлаш ва тўлаш, шу жумладан айрим тоифадаги ходимларни пенсия билан таъминлаш хусусиятлари.
- Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти механизмлари.
- Болалар учун нафақалар, имконияти чекланган шахслар, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, кам таъминланган оилаларга нафақалар ва имтиёзлар, компенсация ва бошқа тўловлар тайинлаш ва тўлаш тартиби.
- Энг кўп бериладиган саволларга жавоблар.
- Пенсиялар ва нафақалар ҳисоб-китобига оид мисоллар.
- Ижтимоий таъминотга доир меъёрий ҳужжатлар ва тушунтиришлар.

**"Пенсиялар. Нафақалар. Имтиёзлар" электрон маълумотномаси яқинда сотувга чиқади. Харид қилишга оид буюртмаларни олдиндан (998 71) 237-45-29 телефони ёки info@norma.uz электрон манзили орқали бериш мумкин.**


## ҚОНУН БИЛАН КАФОЛАТЛАНГАН

**70 + 56 = 126 календарь кун**

Аёл туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътилини олиш ҳуқуқига эга, бунда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади *(МКнинг 233-моддаси).*

**2 + 1 = 3 йил**

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади *(МКнинг 234-моддаси).*

**+ ҳар 3 соатда қўшимча 30 дақиқа**

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта, ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади *(МКнинг 236-моддаси).*

**+ ҳар ойда қўшимча дам олиш куни**

Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади *(МКнинг 230-моддаси).*

**+ иш ҳақи сақланган ҳолда бир йилда қўшимча 3 иш куни**

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади *(МК 232-моддасининг биринчи қисми).*

**+ иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча 14 календарь куни**

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланилиши мумкин *(МК 232-моддасининг иккинчи қисми).*

* * *

● Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда **иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт** *(МКнинг 224-моддаси).*

● Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади *(МКнинг 237-моддаси).*

● Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади *(МК 234-моддасининг бешинчи қисми).*

● Болани парваришлаш таътилларининг вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди *(МК 234-моддасининг олтинчи қисми).*

● Аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар (тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек қўшимча таътиллар бериш, имтиёзли иш режимларини ўрнатиш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолатлар ва имтиёзлар) онасиз болаларни тарбиялаётган оталарга, вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига), шунингдек ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни ҳақиқатда тарбиялаётган бувилар, бувалар ёки бошқа қариндошларга татбиқ этилади *(МКнинг 238-моддаси).*

# ИШ БЕРУВЧИНИНГ ХАТОЛАРИ
## НИМАЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН ВА УЛАРНИ ҚАНДАЙ ТУЗАТСА БЎЛАДИ

***Иш берувчи ходимларга иш ҳақини ойда бир марта тўлайди.***



**ХАТО НИМАДАН ИБОРАТ?**

Меҳнат кодекси (МК) 161-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ иш ҳақи ойда камида 2 марта тўланиши керак.

**ХАТОНИ БАҲОЛАШ ВА ЭҲТИМОЛИЙ ОҚИБАТЛАР**

Иш берувчининг ҳаракатлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК)нинг 49-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркибини ҳосил қилади. Корхона раҳбарига энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. Иш берувчи пул маблағларини ойда камида 2 марта тўлаш тўғрисида кўрсатма олиши мумкин.

**ХАТОНИ ТУЗАТИШ**

Иш берувчи иш ҳақи тўлашнинг даврийлигини ҳар ярим ой учун камида 1 марта қилиб белгилаши лозим.

* * *

***Иш берувчи иш ҳақидан ходим маошининг 50 фоизидан ошадиган ушланмаларни (солиқлар, жарималар, алиментлар ва ҳоказо) олиб қолади.***

**ХАТО НИМАДАН ИБОРАТ?**

МК 164-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ иш ҳақидан ҳар ойда ушлаб қолинадиган пул маблағларининг миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг ярмидан ортиб кетмаслиги лозим.

**ХАТОНИ БАҲОЛАШ ВА ЭҲТИМОЛИЙ ОҚИБАТЛАР**

Хато МЖТКнинг 49-моддаси бўйича санкцияни қўллашга олиб келиши мумкин. Мазкур ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор деб бош бухгалтер эътироф этилиши мумкин, у иш берувчининг бевосита фармойишига асосан ҳаракат қилган ҳоллар бундан мустасно. Раҳбар ушлаб қолинадиган маблағлар суммаси меҳнат ҳақининг ярмидан ошишини аввалдан билган ҳолда бухгалтерияга ушлаб қолиш тўғрисида бевосита фармойиш берган тақдирда у ушбу ҳуқуқбузарликнинг субъекти ҳисобланади.

**ХАТОНИ ТУЗАТИШ**

Агар доимий ушлаб қолишга раҳбар ёзма фармойиш берган бўлса, уни қайта кўриб чиқиш зарур. Корхона бухгалтерияси иш ҳақи суммаларининг ҳисоб-китобларини белгиланган 50 фоизлик чекловни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши лозим.

* * *

***Иш берувчи ходимларнинг розилигисиз иш ҳақидан турли жамоат фондлари ва бошқа ташкилотларга ушланмаларни олиб қолади.***

**ХАТО НИМАДАН ИБОРАТ?**

Мазкур ушлаб қолишлар ходимнинг розилигидан қатъи назар ушлаб қолишлар рўйхатида *(МК 164-моддасининг иккинчи қисми)* келтирилмаган. Шу сабабли, ушбу модданинг биринчи қисмига асосан улар фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

**ХАТОНИ БАҲОЛАШ ВА ЭҲТИМОЛИЙ ОҚИБАТЛАР**

Кўрсатилган ҳаракатларни содир этганлик учун иш берувчининг айбдор мансабдор шахсини МЖТКнинг 49-моддаси бўйича жавобгарлик кутади. Ноқонуний ушлаб қолинган, ташкилотларнинг ҳисобварақларига ўтказилган пул маблағларини иш берувчи ходимга қайтариши керак. Суд уни шундай қилишга мажбур этиши мумкин.

Ноқонуний ушлаб қолинган пул маблағлари суммасига суд томонидан Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган фоизлар ҳисоблаб ёзилиши мумкин, иш берувчи уларни ҳам тўлаши керак бўлади.



**ХАТОНИ ТУЗАТИШ**

Қонун нуқтаи назаридан икки хил усулни қўллаш мумкин.

**Биринчиси.** Иш ҳақидан хайрия ва ҳоказо мақсадларга суммаларни ушлаб қолишга ходимларнинг ёзма розилигини олиш.

**Иккинчиси.** Ноқонуний ушлаб қолинган маблағларни ходимларга тўлалигича қайтариш ва бундан кейин бундай амалиётни такрорламаслик.

***«Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлими.***


***Мақолалар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди.***

NORMA



**ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА**

**Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй. Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29 E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz**

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»;

– «Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;

– «Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сон қарори)»;

– «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

– «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР ДБҚ, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси, МВ, МББнинг «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ, МВ, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Акциядорлик жамиятларида аффилланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## 2009-2014 ЙИЛЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИКАВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ БЎЙИЧА ЭНГ МУҲИМ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 10-11-сон, 109-модда)*

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш, шу асосда хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни татбиқ этиш ва рақобатбардош, ички ҳамда ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, иқтисодиёт тизимини янада диверсификация қилиш, унинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури маъқуллансин. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

молиялаш манбалари белгиланган ва келишилган, амалга ошириладиган ва амалга оширишга тайёрланган инвестиция лойиҳалари рўйхати, шунингдек стратегик муҳим объектлар қурилиши ҳамда ишга туширилишини жадаллаштириш бўйича тармоқли жадвал 1* ва 1а-иловаларга* мувофиқ;

ишлаб чиқиш босқичидаги (хорижий ҳамкорни танлаш, молиялаш шартлари ва манбалари) янги инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

дастлабки тарзда ишлаб чиқилаётган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 3-иловага* мувофиқ.

2. 1 ва 1а-иловаларда кўрсатилган стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этувчи вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари зиммасига, объектлар ўз вақтида ишга туширилишининг барбод этилишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари қўлланишини назарда тутган ҳолда, тасдиқланган дастурий тадбирлар амалга оширилиши ва объектлар белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

3. 2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури ижросини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва масалаларни тезкор ҳал этиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳ таркиби 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда 2 ва 3-иловаларга киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвесторлар ва ҳамкорларни доимий асосда жалб этишни таъминласин.

5. Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда тасдиқланган тадбирлар Дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг зарур лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши, келишиб олиниши ва тасдиқланишини ўз вақтида таъминласин;

***1, 1а, 2-4-иловалар берилмайди. Иловаларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҲТда танишиш мумкин.***

бир ой муддатда ижро этувчи аппаратларнинг тузилмасида, белгиланган ходимлар сони доирасида, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун жавоб берувчи ихтисослаштирилган бўлинмаларни ташкил этсин.

6. Тадбирлар Дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини жадаллаштириш учун, ташаббускор вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектларга лойиҳаларнинг тасдиқланган ДТИАси асосида ва хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган ҳолда қуйидагиларни амалга оширишга рухсат этилсин:

лойиҳа бўйича ТИАни ва иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда, саноат объектларига туташ муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари бўйича қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг эксперт хулосалари асосида — белгиланган тартибда тузилган ва рўйхатга қўйилган контрактлар бўйича узоқ муддат тайёрланадиган ускуналар сотиб олишга аванс бериш.

7. Белгилансинки, тендер тартиб-қоидалари ёки тўғридан-тўғри музокаралар натижасида инжиниринг, «тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида етказиб бериш ва қуриш тўғрисида тузилган контрактга эга бўлган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари ТИА тасдиқлангани ҳолда бир босқичли тартибда ишлаб чиқилиши мумкин.

8. Ишчи гуруҳ (Р.С.Азимов) 1 ва 1а-иловаларига киритилган лойиҳалар ҳамда дастурий тадбирлар амалга оширилишининг бориши юзасидан доимий мониторинг ўрнатсин ва ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор билан тасдиқланган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури амалга оширилишини мунтазам равишда ўз йиғилишларида кўриб борсин ва амалий назоратни таъминласин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 12 март*
*ПҚ–1072-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

# КРИЗИСГА ҚАРШИ ДАСТУРГА КИРИТИЛГАН ҚЎШИМЧА ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 12-сон, 128-модда)*

Қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, шу асосда иқтисодиётнинг тезкор ривожланишини ҳамда республика минтақаларининг табиий ва иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани шакллантириш, шунингдек янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг даромадлари ҳамда турмуш даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2009 йилда қўшимча инфратузилма объектларини қуриш ва ишга туширишни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар Дастури маъқуллансин. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

Кризисга қарши дастурга киритилган, 2009 йилда ишга тушириладиган қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари рўйхати 1, 1а, 1б ва 2-иловаларга* мувофиқ;

2009 йилда Кризисга қарши дастурга киритилган инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари 3-иловага* мувофиқ.

Лойиҳаларнинг буюртмачилари – вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2009 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда 1, 1а, 1б ва 2-иловаларга киритилган лойиҳалар бўйича белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ва экспертизаси якунланишини, танлов савдолари ўтказилиши ва молиялашнинг очилишини таъминласин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда ишга тушириш лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирларининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этаётган вазирликлар, идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар ва корхоналар раҳбарлари зиммасига 1 ва 2-иловаларда кўрсатилган қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини белгиланган муддатларда қуриш ҳамда ишга туширишни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга биноан 4-иловада* кўрсатилган телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларини модернизациялаш ҳамда ривожлантириш лойиҳалари доирасида импорт қилинадиган ускуналар, дастурий аппарат воситалари ва материаллар 2010 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси 2009 йилда қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши ҳамда ишга туширилишини жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар Дастурининг амалга оширилиши тўғрисида вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ҳисоботларини ҳар ой Президиум мажлисларида кўриб чиққан ҳолда унинг қатъий назоратга олинишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 17 март*
*ПҚ–1073-сон.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 9-сон, 89-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 29 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 20 февраль*
*50-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 20 февралдаги 50-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомда:

а) 19-банднинг биринчи хатбошидаги «кичик ва ўрта корхоналарни» сўзлари «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 20-банднинг ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нарх имтиёзлари»;

в) 43-банднинг биринчи хатбошига «белгиланган» сўзидан кейин «шунингдек ушбу Низом X-I бўлимининг талабларига мувофиқ» сўзлари қўшилсин;

г) 55-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади»;

тўртинчи-бешинчи хатбоши тегишли равишда бешинчи-олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

д) X бўлимдан кейин қуйидаги мазмундаги X-I бўлим қўшилсин:

**«X-I. Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) учун нарх имтиёзлари берган ҳолда тендер савдолари ўтказишда тендер таклифларини баҳолаш хусусиятлари**

60-1. Ушбу Низомнинг 55-банди олтинчи хатбошида назарда тутилган нарх имтиёзлари тендер савдоларига қўйилган ва улар бевосита товар ишлаб чиқарувчилар (ишлар бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) (кейинги ўринларда мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари деб аталади) эканлигини тасдиқлайдиган зарур ҳужжатларни тендер комиссиясига тақдим қилган мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар)га берилади.

60-2. Тендер иштирокчиси томонидан импорт товарлари етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан энг яхши нарх таклиф этилган тақдирда тендер комиссияси мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари таклифлари орасидан кўрсатилган энг яхши нархга камида 20 фоизга оширадиган ва тендер савдолари ва қонун ҳужжатлари шартларига мос келадиган учтагача энг яхши таклифларни танлаб олади. Бунда, қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тендер иштирокчиси томонидан импорт товарлари етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) билан энг яхши нарх таклиф этилган бўлса мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари таклифларини танлаб олиш учун қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда кўрсатиб ўтилган энг яхши нарх қўлланилади.

Тендер комиссияси бир кун мобайнида танлаб олинган мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан навбатма-навбат уларнинг тендер таклифлари нархларини камайтириш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боради ва музокаралар натижаларини тасдиқлайди. Бунда ҳар бир мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан музокаралар натижалари протокол билан расмийлаштирилади ва ғолиб аниқлангунга қадар конфиденциал ҳисобланади.

60-3. Мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича қуйидагилар:

мамлакатимизнинг бошқа корхоналари-ишлаб чиқарувчиларига нисбатан — олиб киришда қўшимча қиймат солиғи тўлаш бўйича имтиёз бериш қонун ҳужжатларида

назарда тутилмаган товарлар (ишлар, хизматлар) турлари бўйича энг яхши нархни таклиф этган;

мамлакатимизнинг бошқа корхоналари-ишлаб чиқарувчиларига нисбатан, лекин қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича энг яхши нархдан ошмайдиган — олиб киришда қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёз қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича энг яхши нархни таклиф этган мамлакатимиз корхонаси-ишлаб чиқарувчиси тендер ғолиби деб аниқланади.

60-4. Тендер иштирокчиси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилинадиган импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича энг яхши нарх таклиф этилган бўлса ва мамлакатимиз корхоналари-ишлаб чиқарувчилари билан тўғридан-тўғри музокаралар натижаларига кўра, қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда кўрсатилган энг яхши нархдан ошмайдиган нархни таклиф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича энг яхши нарх таклиф этган тендер иштирокчиси тендер ғолиби деб эълон қилинади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низомда:

а) 47-банднинг ўнинчи хатбошидаги учинчи жумлага «Бунда» сўзидан кейин «мамлакатимизнинг товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилари, хизматлар кўрсатувчилари) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нарх преференциялари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган» сўзлари қўшилсин;

б) 53-бандга «тижорат қисми» сўзларидан кейин «товар (ишлар, хизматлар) нархидан» сўзлари қўшилсин;

в) 74-банддан кейин қуйидаги мазмундаги 74-1-банд қўшилсин:

«74-1. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади»;

г) 76-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«76. Савдоларнинг туридан қатъи назар, танлов савдолари ғолиби танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Тендер комиссияси ғолибларни энг кўп рақобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда тендер шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича, шунингдек тендер савдоларида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига нарх преференциялари бериш тартибини тартибга соладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ аниқлайди. Танлов савдолари ғолиби танлов қатнашчилари иштирокида эълон қилинади, иштирок этмаган қатнашчилар белгиланган тартибда хабардор қилинади».

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ФАҚАТ ЮРИДИК ШАХС ШАКЛИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ФАОЛИЯТНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ РЎЙХАТИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ИЧКИ БОЗОРНИ ТЎЛДИРИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» 2009 ЙИЛ 26 ЯНВАРДАГИ ПҚ–1047-СОН ҚАРОРИ)

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 10-11-сон, 111-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ–1047-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига 2009 йил 1 июлдан бошлаб қуйидаги мазмундаги 17 ва 18-бандлар қўшилсин:

«17. Гўштли яримфабрикатларни саноат йўли билан қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, шунингдек колбаса маҳсулотлари, гўшт ва балиқ консерваларини саноат йўли билан ишлаб чиқариш.

18. Хом сутни саноат йўли билан қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари (пастеризация қилинган сут, сливка, қаймоқ, творог, қатиқ маҳсулотлари), шу жумладан пишлоқ, бринза, мол ёғи, болалар қуруқ сут маҳсулотлари, сутли болалар таомлари, қуруқ сут, музқаймоқ ва қуйилтирилган сут ишлаб чиқариш».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 7 март*
*58-сон.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА-ШАҲАРСОЗЛИК ТАЛАБЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 10-11-сон, 112-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 22 январдаги ПҚ–1045-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 9 март*
*59-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА-ШАҲАРСОЗЛИК ТАЛАБЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

**(Кўчирма)**

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Қоидалар аҳоли пунктлари ҳудудларини ва турар жойлар оралиғидаги ҳудудларни ободонлаштириш (кейинги ўринларда ободонлаштириш деб аталади) ишларини ташкил этиш, олиб бориш, молиялаштириш, шунингдек уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий атамалар ва тушунчалардан фойдаланилган:

**ободонлаштириш** — аҳоли ҳаёти учун қулай ва маданий шарт-шароитларини яратиш мақсадида ҳудудларни муҳандислик жиҳатидан тайёрлаш, йўллар қуриш, ҳудудларни тозалаш, захини қочириш, кўкаламзорлаштириш ва ирригациялаш тадбирларини амалга ошириш, микроиқлимни яхшилаш, ҳаво ҳавзаси, очиқ сув ҳавзалари ва тупроқни ифлосланишдан ҳимоя қилиш, у ёки бу ҳудудни қурилиш учун ярокли ҳолга келтириш ва белгиланган мақсадда нормал фойдаланиш, амалга ошириладиган шовқинлар даражасини камайтириш ишларининг йиғиндиси;

**ободонлаштириш объектлари** — кўчалар, айланма кўчалар, йўллар, марказий майдонлар, йўлкалар, кўприклар, туннеллар, йўловчилар ўтадиган ер ости йўллари, фаввoралар, ариқлар, каналлар, дарёлар, кўллар ва бошқа сув ҳавзаларининг қирғоқлари, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини ва ҳордиқ чиқаришини қондириш учун фойдаланиладиган объектлар (маданият ва истироҳат боғлари, ўрмон массивлари, боғлар, бульварлар, хиёбонлар), ташқи ёритиш, реклама паннолари, йўл кўрсаткичлари, порталлар, пешлавҳалар, дренаж (дренажнинг вертикал, ёпиқ ва очиқ горизонтал, ёпиқ коллектори), ирригация новлари тармоқлари, ташқи ёритиш тармоқлари;

**аҳоли пунктларининг умумий фойдаланиладиган ерлари:**

майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоқлари, ариқ бўйлари;

аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини ва ҳордиқ чиқаришини қондириш учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, парклар, бульварлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари ерлари);

коммунал-маиший мақсаддаги ерлар (қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва утилизация қилиш жойлари);

аҳоли пунктларидаги сув ҳавзаларининг қирғоқ полосалари;

шаҳарнинг умумий марказлари, режалаштирилаётган ҳудудлар марказлари, турар жой ҳудудларининг марказлари, маҳаллий хизмат кўрсатиш марказлари, шаҳарлар ва туманлар марказларидаги дастлабки турар жой марказлари;

**ободонлаштириш ҳудудлари** — бино ёки иншоотга туташ ер участкаси, ободонлаштириш объектининг ҳудуди жойлашган ерлар;

**турар жойлар оралиғидаги ҳудудлар** — икки ва ундан кўп аҳоли пунктлари оралиғидаги аҳоли пунктлари чегаралари ташқарисидаги ҳудудлар;

**шаҳарсозлик** — ижтимоий-иқтисодий, қурилиш, техник, архитектура-бадиий ва санитария-гигиена ечимлари комплексини таъминлайдиган аҳоли пунктларини, турар жойлар оралиғидаги ҳудудларни режалаштириш ҳамда қуриш назарияси ва амалиёти;

**шаҳарсозлик фаолияти** — давлат органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, ер участкаларидан фойдаланиш турларини белгилаш, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш, фуқаролар, жамоатчилик ва давлат манфаатларини, шунингдек кўрсатиб ўтилган ҳудудлар ва аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилишни лойиҳалаштириш соҳасидаги фаолияти;

**қизил чизиқ** — шаҳарсозлик ҳужжатларида белгиланган чегара, у мавзеларни, микрорайон ва режалаштирилаётган тузилманинг бошқа элементларини кўчалардан, ўтиш жойларидан ва аҳоли пунктлари майдонларидан ажратади;

**қурилишни тартибга солиш чизиқлари** — қизил чизиқлардан ёки ер участкаси чегараларидан ажратган ҳолда бинолар ва иншоотларни жойлаштиришда шаҳарсозлик ҳужжатларида белгиланадиган қурилиш чегаралари;

**бино** — функционал вазифаларига кўра одамларнинг яшаши ёки бўлиши учун ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳар хил турини бажариш учун мўлжалланган, тугалланган ҳажмни ҳосил қиладиган асосий, тўсувчи ёки қўшма конструкциялардан иборат бўлган қурилиш тизими;

**иншоот** — ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳар хил турини бажариш, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлаш, одамларнинг вақтинчалик бўлишлари, одамлар, юклар ва шу кабиларнинг ўтиши учун мўлжалланган асосий, тўсувчи ёки қўшма конструкциялардан иборат бўлган ҳажмли, текис ёки қатор қурилиш тизими;

**дренаж** — очиқ ўзанлар ва ёпиқ, тешикли қувурлар (горизонтал), аҳоли пункти ҳудуди захини қочириш мақсадида зарур бўлган даражагача пасайтириш учун сизот сувларни тўплаш ва оқизиб юбориш учун сув сатҳини пасайтирадиган қудуқлар (вертикал) тизими;

**ирригация** — ободонлаштириш объектларидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудини суғориш, шу жумладан сунъий суғориш;

**ташқи ёритиш** — сунъий ёритиш манбалари ёрдамида бинолар ва иншоотлар ташқарисида зарур ёритилганликни ва ёруғликни яратиш.

### VII. ҲУДУДЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

43. Юридик ва жисмоний шахслар — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки фойдаланувчилари, шу жумладан ижарачилари ўзларига бириктирилган ер участкаси ҳудудида ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши учун масъул ҳисобланадилар.

44. Бинолар ёки иншоотларнинг мулкдорлари ёки фойдаланувчилари:

бинолар ва иншоотларнинг ташқи қиёфасини қониқарли сақланишини таъминлайдилар ҳамда заруриятга кўра бинолар ва иншоотларнинг ташқи кўринишини (фасадларини таъмирлаш) архитектура ва қурилиш бўйича ҳудудий органлар билан келишган ҳолда ўзгартириши мумкин;

бинолар ва иншоотларга туташган (ажратилган) ер участкаларида ободонлаштириш ишларини амалга оширадилар, кўкаламзорлаштириш ҳудудларида дарахтлар ва гуллар ўтказишни ва суғоришни, уларни парвариш қилишни таъминлайдилар. Дарахтлар касалланишининг олдини олиш, дарахтларни буташ, уларга шакл бериш, оқлаш ишларини ташкил қиладилар. Кўрсатиб ўтилган ҳудудларда дарахтларни кесиш табиатни муҳофаза қилиш органларининг рухсати билан амалга оширилади;

ҳудуднинг одамлар ўтадиган қисмлари атрофида қурилиш материаллари бўлаклари, асбоб-ускуналар, қурилиш чиқиндилари ва маиший чиқиндилар тўпланишининг, йўл чеккаларининг, ўтиш жойларининг ва йўлакларнинг ифлосланишининг олдини оладилар;

қурилиш ишларини бажариш жараёнида эстетик кўринишни таъминлаш ва хавфсизлик техникасига риоя этиш мақсадида қурилиш майдончалари атрофининг сифатли ўралишини таъминлайдилар;

ер ости ва ер усти муҳандислик тармоқларининг техник ҳолатини техник шартларда белгиланган тартибда қониқарли сақлайдилар.

45. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланиладиган ерларида иморатлар ва иншоотлар барпо этишга фақат ерлардан фойдаланишнинг белгиланган мақсадларига мувофиқ рухсат этилади.

46. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланиладиган ерларидан участкалар, йўллар ва ариқ тармоқларидан ташқари, юридик ва жисмоний шахсларга енгил типдаги иморатлар ва иншоотлар (савдо палаткалари, дўкончалари, реклама иншоотлари) қуриш учун ижара шартларида вақтинчалик фойдаланишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рухсати билан берилиши мумкин.

47. Зарур даражада бўлмаган ва белгиланган стандартларга жавоб бермайдиган реклама воситаларини ўрнатиш, шу жумладан эълонлар ва афишаларни ушбу мақсадлар учун рухсат этилмаган ва мўлжалланмаган жойларда осиб қўйиш тақиқланади.

### VIII. ОБОДОНЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

48. Юридик ва жисмоний шахслар ободонлаштириш ишларини амалга оширишдан бош тортганлик ёки ободонлаштириш қоидаларини бузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 12-сон, 129-модда)*

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июлдаги ПҚ–120-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг қарорлари билан иловага* мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар посёлкалари тоифасига киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли пунктлари тоифаларининг ўзгартирилиши билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласинлар;

шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктларига нисбатан қўйиладиган шаҳарсозлик талабларига риоя этилишини таъминласинлар ва муҳандислик, транспорт ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни оқилона жойлаштириш масалаларини ҳал этиш бўйича тадбирларни икки ой муддатда белгиласинлар;

шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктлари номларини «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси талабларига мувофиқлаштириш бўйича бир ой муддатда чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ушбу қарорга мувофиқ, иловага киритилган қишлоқлар ва шаҳарлар аҳоли пунктларининг статистик кўрсаткичларига икки ҳафта муддатда, белгиланган тартибда зарур ўзгартиришлар киритсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда, қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар посёлкалари тоифасига киритилиши муносабати билан, врачлар, провизорлар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларига иш ҳақи тайинлашда ҳамда улар пенсияга чиққанида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июлдаги ПҚ–120-сон қарорининг 5-бандида назарда тутилган имтиёзларнинг қўлланишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 13 март*
*68-сон.*

---

***Илова «Норма маслаҳатчи»да берилмайди.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ИККИЛАМЧИ ҚОҒОЗ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТЎПЛАШ, ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТИЗИМИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 12-сон, 130-модда)*

Тармоқда назорат, ҳисобга олиш ва бошқаришни мақбуллаштириш асосида қоғоз чиқиндиларини тайёрлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, реал сектор корхоналарининг, кичик ва хусусий бизнес субъектларининг иккиламчи қоғозга бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун иккиламчи хом ашёдан саноат йўли билан фойдаланишнинг самарали механизмларини жорий этиш, шунингдек тармоқ корхоналарининг, шу жумладан «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖнинг мавжуд қувватларидан фойдаланишни кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖнинг келгусида қайта ишлаш учун жойларда тўпланган иккиламчи хом ашё-қоғоз чиқиндиларини қабул қилиш пунктлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фойдаланилмаётган турар жой бўлмаган биноларни қоғоз чиқиндиларини қабул қилиш пунктлари ташкил этиш учун «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖга белгиланган тартибда берсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш масалалари бўйича Республика комиссияси илова* мувофиқ таркибда тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш масалалари бўйича Республика комиссияси:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖнинг қоғоз чиқиндиларини тайёрлаш ва қабул қилиш пунктларига топшириш бўйича 2009 йилнинг II — IV чораклари ва кейинчалик ҳар йил учун прогноз кўрсаткичларни ўн кун муддатда белгиласин;

қоғоз чиқиндиларини тўплаш ва тайёрлаш бўйича тасдиқланган прогноз кўрсаткичларнинг бажарилиши ҳар ойда назорат қилиб борилишини таъминласин;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимларини қоғоз чиқиндилари тайёрлаш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларни бажарганлик ва ошириб бажарганлик учун рағбатлантириш тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасдиқланган прогноз кўрсаткичларга мувофиқ қоғоз чиқиндиларини тўплаш ва топширишни белгиланган тартибда амалга оширсинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖ қабул қилиш пунктлари қоғоз чиқиндиларини тайёрлаш ва топшириш бўйича ҳисоб-китобларни эркин нархларда, шу жумладан уларни жисмоний шахслардан қабул қилиб олишда — нақд пул билан ва юридик шахслардан қабул қилиб олишда — нақд пулсиз амалга оширадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ, «Ўзбек қоғози» ОАЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

қоғоз чиқиндиларини тўплаш ва топширишнинг ташкил этилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари жавоб берадилар;

бюджет ташкилотлари бўйича қоғоз чиқиндиларини сотишдан олинган маблағлар уларнинг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига ўтказилади ва улардан ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда фойдаланилади.

7. Республика тижорат банкларига тармоқ қайта ишлаш корхоналарига, шу жумладан технологик асбоб-ускуналарни модернизациялаш учун, кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Р.Шоисматов ва Н.М.Ханов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 16 март*
*70-сон.*

***Илова «Норма маслаҳатчи»да берилмайди.***

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ,*
*«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ,*
*МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ЙЎЛОВЧИЛАРИНИНГ ҚЎЛ ЮКИНИ, БАГАЖИНИ, ВАЛЮТАСИНИ ВА ВАЛЮТА БОЙЛИКЛАРИНИ БОЖХОНА НАЗОРАТИДАН ЎТКАЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 619-2***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 9-сон, 102-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

***2009 йил 7 мартдан кучга киради.***

1. Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибининг (1999 йил 5 февраль, рўйхат рақами 619 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 3-сон) биринчи банди тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар — Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ёки хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига киритилган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатларидир».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Давлат божхона қўмитаси раиси С.НОСИРОВ.***
*01-02/12-3-сон*

***Молия вазири Р.АЗИМОВ.***
*25-сон*

***Марказий банк раиси Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***
*120-В-2-сон*

***«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси раиси А.РАМАТОВ.***
*95-юр-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 18 февраль.*

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

# АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР, УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ОЛИБ БОРИШ ВА АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1212-1***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 10-11-сон, 119-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2002 йил 20 ноябрдаги 2002-14, 131, 7-сон қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларида аффилланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (2003 йил 29 январь, рўйхат рақами 1212 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директори К.ТОЛИПОВ.***
*2009-15-сон*

***Молия вазири Р.АЗИМОВ.***
*26-сон*

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б. Б.УЛАШОВ.***
*8-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 26 февраль.*

***2009 йил 17 мартдан кучга киради.**

*ЎзР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ, МВ, Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 26 февралдаги 2009-15, 26, 8-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР, УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ОЛИБ БОРИШ ВА АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «бошқарув компаниялари» сўзлари «инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 3-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 7-банднинг саккизинчи хатбошиси ва 8-банднинг олтинчи хатбошисидаги «овоз берувчи акциялари сони ва фоизи» сўзлари «овоз берувчи акциялари сони, тури ва фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 10-банддаги «(ёки ихтисослашган реестр тутувчи, агар у рўйхатни юритса)» сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Очиқ акциядорлик жамияти ҳар йили уларга тегишли бўлган акцияларнинг сони ва турларини кўрсатган ҳолда аффилланган шахслар рўйхатини мазкур Низомнинг 13-бандига мувофиқ тузилган пайтдан бошлаб икки ҳафта муддатда чоп этиши шарт».

***Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.**

